



**Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича  
вакилининг (омбудсманнинг)  
2003 йилги  
фаолияти тўғрисида**

# **Ҳ И С О Б О Т**

**Тошкент –2004**

## **Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2003 йилги фаолияти тўғрисида ҲИСОБОТ**

### **Кириш**

Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2003 йилдаги фаолияти ҳокимият қонун чиқарувчи тармоғининг ҳуқуқий базасини ислоҳ қилиш, миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, демократик институтларни янада ривожлантириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини ижтимоий шериклик принциплари асосида жалб этиш, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги кўламини кенгайтириш шароитида амалга оширилди.

Парламент омбудсмани янги шакллар ва устуворликларни ишлаб чиқиб, ўз фаолиятини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш ва бундай қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан мониторинг ўтказишга, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг янги механизмларини излашга, минтақавий вакиллар фаолиятини кучайтиришга, жамоатчилик билан алоқаларни ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирди.

### **Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда уларга риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш**

«Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ парламент омбудсмани зиммасига инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга кўмаклашиш вазифаси юклатилган.

2003 йил мобайнида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тайёрланган қонунлар лойиҳаларига уларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланганлиги ҳамда ҳимоя қилинганлиги нуқтаи назаридан таклиф ва мулоҳазалар киритди, парламентнинг қўмиталари ва комиссиялари, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги

институти, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги, «Банк сири тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларнинг, шунингдек «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этди.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ўрганилди ва улар юзасидан таклифлар тайёрланиб, тегишли кўмиталарга топширилди.

Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш мақсадида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланиши соҳасида юзага келган вазият устидан мунтазам равишда мониторинг ўтказмоқда.

Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, муваффақиятли тарзда амалга ошириб келиняпти. Бу дастурнинг энг муҳим вазифаларидан бири қишлоқда бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан, қишлоқ соғлиқни сақлаш тузилмасини ўзгартиришдан иборатдир. Ана шундан келиб чиқиб, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг беморлар ҳуқуқларининг таъминланишига доир қисми ижро этилиши юзасидан 2003 йилда Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида мониторинг ўтказилди.

Мониторингдан кўзланган мақсад фуқароларнинг малакали тиббий хизмат олиш ҳуқуқлари бузилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлашдан, аҳоли ва тиббиёт ходимларини беморлар ҳуқуқларидан хабардор қилишдан, давлат органлари ва соғлиқни сақлаш органлари фаолиятида мазкур Қонунга риоя этилиши амалиётини ўрганишдан иборат эди.

Мониторинг натижалари, шунингдек текширилган минтақалардаги тиббиёт ходимлари, беморлар ва аҳоли ўртасида ўтказилган социологик сўров “1998–2005 йилларга мўлжалланган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси”нинг асосий йўналишлари самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган қатор сабабларни аниқлаб берди. Бундай сабаблар жумласига: турли тоифадаги тиббий кадрларга келгусида бўладиган талаб-эҳтиёжларнинг истиқбол кўрсаткичлари аниқланмаётганлиги; тиббиёт ходимларининг ижтимоий жиҳатдан етарли даражада муҳофаза этилмаганлиги; даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базаси яхши эмаслиги; дорилар, сарфланадиган материаллар ва ташҳис қўювчи ускуналар билан етарли даражада таъминланмаганлик; даволаш-профилактика муассасаларининг бепул тиббий ёрдамни келишиб олинган ҳажмларда кўрсатишга тааллуқли шартнома мажбуриятларини бажаришлари устидан назорат сустлиги; соғлиқни сақлаш тизимида маърифий ишларнинг шакллари ва услублари такомиллашмаганлиги; шифокорлар ҳамда аҳолининг ахборотлардан хабардорлик ва ҳуқуқий саводхонлик даражаси пастлиги; беморлар ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилиш институтларининг йўқлиги кабилар кирази.

Ўтказилган мониторинг фуқаролар соғлиқини сақлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш тартиботини такомиллаштириш, тиббий ёрдамнинг бепуллиги ва ундан эркин фойдаланилиши ҳамда аҳолининг кенг қатламлари учун тиббий хизматларнинг кафолатланган ҳажми ва сифати таъминланиши устидан назорат олиб бориш тизимини яратиш, тиббий хизмат стандартларини жорий этиш, аҳолининг беморлар ҳуқуқлари таъминланиши ва ҳимоя қилинишидан хабардорлигини оширишга қаратилган телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар бериб борилишига, мақолалар эълон қилинишига эришиш ишларини уюштириш лозим эканлигини тасдиқлади.

Мониторинг асосида тайёрланган таҳлилий маъруза ўрганиш ҳамда тақдим этилган тавсиялар юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, вилоятлар соғлиқни

сақлаш бошқармаларига ва Омбудсманнинг минтақавий вакилларига юборилди.

### **Фуқаролардан тушаётган мурожаатларни кўриб чиқишга доир ишлар**

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) фуқаролардан **5807** та мурожаат тушди, шу жумладан **3033** та мурожаат почта орқали, **2774** та мурожаат қабул чоғида тушди, шундан **1345** та мурожаатга оғзаки тушунтириш ва маслаҳатлар берилди (1-илова).

“Ишонч” телефони орқали **600** нафардан ортиқ фуқарога юридик маслаҳат ва тушунтиришлар берилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига доир **1390** та мурожаат назоратга олинди, шундан **320** таси ижобий ҳал этилди, қолганлари ижро этилиш босқичида турибди (2-илова).

Ҳисобот даврига қадар назоратга олинган мурожаатлардан **80** таси ижобий ҳал қилинди.

Фуқароларнинг **70** дан зиёд мурожаати юзасидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили минтақавий вакиллар кўмагида жойларда ўз текширувини ўтказди.

Халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари ва чет эл фуқароларидан Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари юзасидан **1210** та, шунингдек чет давлатлар фуқароларининг ишлари бўйича **18** та мурожаат тушди, шундан **олтитаси** ижобий ҳал этилди, қолган мурожаатлар бўйича эса бузилган ҳуқуқларни тиклаш борасида кўмаклашилди.

Ҳисобот йилида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан **14** та хулоса тайёрланди, шундан **6** таси Олий судга, **4** таси Бош прокуратурага, **2** таси Тошкент шаҳар прокуратурасига, **1** таси Ички ишлар вазирлигига, **1** таси фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига юборилди. Барча хулосаларга асосланган жавоблар олинди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ўз таркибий бўлинмаларининг ходимлари ҳамда шериклик ташкилотларининг вакиллари билан биргаликда жойларга бориб, шу жумладан озодликдан маҳрум этиш жойларига бориб **80** дан ортиқ учрашув ўтказилди, жиноят ва фуқаролик ишларидан **40** таси бўйича суд жараёнининг бориши кузатилди.

Фуқаролардан тушган шикоятларнинг таҳлили Тошкент шаҳридан, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Жиззах, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан мурожаатлар тушишида кўпайиб бориш тамойили устун эканлигини кўрсатди (3-илова). Бу мурожаатларнинг аксарияти қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимояни таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига тааллуқли бўлиб, уларни ҳал этиш юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга йил мобайнида қайси ташкилотлар билан иш олиб боришга тўғри келганлиги ҳам шу асосда белгиланди (4–7-иловалар).

Ўтган давр мобайнида фуқароларнинг судлар фаолиятига доир **2294** та, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ходимларининг хатти-ҳаракатларига тааллуқли **1203** та мурожаати кўриб чиқилди.

Одил судлов соҳасида ҳуқуқ бузилганлиги масалалари юзасидан тушган мурожаатларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бундай мурожаатларнинг аксарияти иш кўриш асоссиз равишда чўзиб юборилганлиги, сансалорлик, тергов ва суд ходимларининг ноҳолислиги, суд қарорларининг бир-бирига зидлиги ёки уларнинг ижро этилмаслиги, тергов ноқонуний усуллар билан олиб борилганлиги, тергов қилинаётганларнинг ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари бузилаётганлиги ҳоллари билан боғлиқ.

Меҳнат ҳуқуқлари соҳасидаги мурожаатларда фуқаролар ишдан бўшатилиш ва бошқа ишга ўтказилишдан, меҳнат фаолиятлари кечаётган муассаса, ташкилот, корхона раҳбариятининг хатти-ҳаракатидан, иш ҳақини вақтида ололмаётганликларидан, шу тоифадаги ҳуқуқларни муҳофаза этиш юзасидан судлар чиқарган қарорлар ва ажримлардан ўз ризосизликларини билдирганлар.

Ижтимоий ҳуқуқлар бузилганлиги соҳасидаги аксарият мурожаатлар ижтимоий тўловлар, ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқларини амалга ошириш, ёшга кўра пенсияга, ногиронлик пенсиясига чиқиш таомили ва пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқариш тартиби бузилганлиги, шунингдек тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари билан боғлиқ.

Уй-жой-коммунал муаммолар юзасидан фуқаролардан **357** та мурожаат тушди, улар асосан уй-жой олиш, коммунал хизмат кўрсатилиши, уйлар ва квартираларни таъмирлаш, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти масалаларига тааллуқлидир.

**208** та мурожаат ҳокимликлар ходимларининг, ширкат хўжаликлари мансабдор шахсларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят билан боғлиқ.

Фуқароларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш эркинлигига доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида омбудсманга **236** та мурожаат тушди, бу мурожаатлар рўйхатдан ўтиш, фуқаролик олишга, шунингдек паспорт, шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар олиш таомилининг бузилганлигига тааллуқлидир.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида **84** та мурожаат, шу жумладан ўз фаолиятини ривожлантириш учун кредит олишга кўмаклашиш тўғрисида **22** та мурожаат тушди.

Таълим масалалари юзасидан **61** та мурожаат, ҳарбий хизматчиларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар ходимларининг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича **49** та, пул маблағларини индексация қилиш билан боғлиқ **16** та, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ **7** та, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари камситилаётганлигига тааллуқли **51** та, бола ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ **19** та, оилавий ва маиший масалаларга доир **237** та ва бошқа масалалар бўйича **305** та мурожаат тушди.

Мурожаатларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш илгариги йилларда бўлгани каби ҳозир ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти жараёнида бундан буён ҳам ўрганиб боришни тақозо этмоқда.

### **Парламент омбудсмани институти минтақавий тузилмаларининг фаолияти**

Фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этишга, ҳуқуқий маърифатга доир ишлар ва мониторинг олиб бориш марказдан жойларга босқичма-босқич ўтказилаётганлиги аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалишига, шу жумладан мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ошишига, улар хатти-ҳаракатларида инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган ишларда самарадорлик таъминланишига кўмаклашмоқда.

Мамлакатимизнинг тўртта вилоятида минтақавий вакиллар сайланди, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ресурслар билан таъминлаш хусусида маҳаллий ҳокимият органларининг фармойишлари чиқди. Ҳозирги

вақтда мазкур қарорларни амалга оширишга доир комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Омбудсман вакиллари судлар ва прокуратура органлари, Конрад Аденауэр номли фонд, Европа Иттифоқи Комиссиясининг ЕвропаЭйд дастури, БМТнинг Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ваколатхоналари томонидан ўтказилган тадбирларда иштирок этдилар, шунингдек халқаро мулоқотларда фаол қатнашдилар. Омбудсманнинг Тошкент шаҳри бўйича минтақавий вакили – БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссари бошқаруви томонидан ташкил этилган ўқувда қатнашди; Бухоро вилояти бўйича вакили – пенитенциар тизим билан ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан Польшада стажировкадан ўтди; Фарғона вилояти бўйича вакили – фундаментализмга қарши кураш масалалари юзасидан Германияда ўтказилган семинарда иштирок этди; Сирдарё вилояти бўйича вакили – хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар вакиллари иштирокида Арманистонда ўтказилган кенгашда қатнашиб, ўзаро тажриба алмашди; Хоразм вилояти бўйича вакили – БМТ ҳомийлигида Озарбайжонда ўтказилган тадбирларда иштирок этди; Самарқанд вилояти бўйича вакили – Қирғизистонда ЕХХТнинг минтақавий семинарида гендер тенглигини таъминлаш муаммоларини муҳокама қилишда қатнашди.

Ҳисобот йилида омбудсманнинг минтақавий вакиллари томонидан **800** тадан зиёд мурожаат кўриб чиқилди, улар вакиллик марказий идорасига келиб тушишига кўра тоифалар бўйича таснифланди (8 – 10-иловалар).

Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган 232-II-сон қарорини амалга оширишга доир ишларни давом эттирдилар, шу аснода хусусан Бухоро ва Тошкент вилоятлари бўйича минтақавий вакиллар халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг сессияларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазият юзасидан ахборот бердилар.

### **Шериклар, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни ривожлантириш**

Аҳолининг, шу жумладан давлат органлари, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар мансабдор шахсларининг ҳуқуқий маърифати ва маданиятини ошириш масалалари парламент Омбудсмани институтининг устуворликларидан бўлиб қолди.

«Обод маҳалла йили» дастури қоидаларига амал қилган ҳолда парламент омбудсмани ҳамда унинг минтақавий вакиллари маърифий-тушунтириш

ишларининг асосий қисмини жойларга кўчириб, бу тадбирларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда ўтказдилар.

Аҳоли билан мулоқот асосан мониторинг текширувлари, конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари тарзида олиб борилди, уларнинг мавзулари, кўриб чиқилган масалалар омбудсманга тушган мурожаатлар, қабулга келганлар ўртасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ырганиш маркази билан ҳамкорликда олиб борилган анкета сўровлари яқунлари таҳлилидан келиб чиқиб белгиланди.

К.Аденауэр номли фонднинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси кўмагида рус тилида «Инсон ҳуқуқлари мониторинги» («Мониторинг прав человека») тўплами нашр этилди. Бу тўпландан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича ўтказилган мониторинг масалаларига доир халқаро конференциянинг материаллари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида иш олиб бораётган мамлакатимиз ва хорижий мутахассисларнинг мақолалари ва нутқлари ўрин олган. Мазкур босма нашр ўқув юртлари ва илмий муассасалар, кутубхоналар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, парламент омбудсманининг миллий ва хорижий шерикларига юборилди, семинарлар ва аҳоли билан ўтказилган учрашувларда, пенитенциар тизим муассасаларига борилган пайтда тарқатилди. Чет элларда тарқатиш учун шу китобнинг рус тилидаги қўшимча нашрини чоп этиш назарда тутилган бўлиб, ҳозирги вақтда ушбу тўпланиннг давлат тилидаги нашри ҳам тайёрланмоқда.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, унинг девони ходимлари бевосита ташкилотлар ва муассасаларда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа тузилмаларда учрашувлар ўтказиш амалиётини давом эттирдилар. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг шахсий таркиби, Марказий банк ходимлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг минтақавий тузилмалари билан, мамлакат пойтахти ҳамда бошқа минтақаларидаги ўқув юртлари ва ихтисослаштирилган тузилмаларда ёшлар билан шундай учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси тингловчилари, Тошкент ислом университети талабалари билан мунтазам машғулотлар ўтказиш ҳам одат тусига кирди.

Тошкент вилоят ҳокимлиги, К.Аденауэр номли фонд ваколатхонаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда чет эллик мутахассислар иштирокида ўтказилган давра суҳбати собиқ маҳкумларнинг жамиятга мослашуви муаммоларига бағишланди. Бу тадбир

чоғида Германиянинг (Лейпциг шаҳри магистратининг) жазони ўтаб қайтган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга доир тажрибаси билан танишилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ҳамда унинг минтақавий вакиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Бош прокуратураси томонидан ташкил этилган семинарлар ва конференцияларда, шунингдек Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда «Халқаро турма ислоҳоти» ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказган тренингларда фаол қатнашдилар.

Ўзбекистонда демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнларини амалга оширишга қаратилган турли дастур ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ илмий ишлар ва изланишлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан фаоллик асосида ҳамкорлик олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустақкамлаш муаммоларини ҳамда прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерация Кенгашининг ўқув марказида ҳуқуқни муҳофаза қилиш мавзусида мунтазам равишда сўзга чиқиш анъанага айланди ва бундай тадбирлар чоғида тингловчилар омбудсман фаолиятдан ташқари парламент, инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтлар фаолияти тўғрисида ҳам кенг маълумот оладиган бўлиб қолдилар.

Ўтган даврда оммавий ахборот воситалари билан ҳар тарафлама ҳамкорликни мустақкамлашга қаратилган ишлар давом эттирилди. Омбудсман томонидан йил давомида ўтказилган деярли барча тадбирларда матбаа ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этдилар.

Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ишларига оид ахборотлар Интернет тармоғи сайтларида тезкорлик билан жойлаштириб борилди.

### **Омбудсманнинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги фаолияти**

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти билан хорижлик ҳамкасблар ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Омбудсманнинг ушбу соҳадаги фаолияти инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар ва демократик институтларнинг фаолияти билан танишиш, халқаро

жамоатчиликни Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг кенгайиб бориши жараёнларидан, хусусан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва уни ҳимоя қилиш соҳасидаги ишлардан хабардор қилиш имкониятини беради.

Ҳисобот йилида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан чет давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шу жумладан Польша Сейми, Франция Сенати, Германия ва АҚШ адлия вазирликлари, Швейцария Ташқи ишлар вазирлиги, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси расмий делегацияларини, шунингдек Грузия Олий суди раиси, Польша, Словакия, Швециянинг Ўзбекистондаги элчиларини, ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази бошлиғини, БМТ Тараққиёт Дастури ҳамда Германия, Швейцария, Япония элчихоналари вакиллари қабул қилишга доир **25** та маросим ўтказилди.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг **40** дан ортиқ мамлакатадаги, шу жумладан Европа, Осиё, Америка мамлакатлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлардаги омбудсманлар билан амалий алоқалар ўрнатилди. Хорижий омбудсман институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа ташкилотлар билан икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга эътибор ортди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан мунтазам асосда тажриба ва материаллар алмашишнинг ҳам бунда ҳиссаси бор.

Чет эллик ҳамкасбларнинг (чунончи Россия Федерациясидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, Россия Федерациясидаги Свердловск ва Липецк вилоятларининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг) мурожаатлари ва сўровларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият доираси кенгайди.

Ўтган йили Халқаро омбудсман институти ва Европа омбудсман институти билан ҳамкорлик алоқалари ривожланишда давом этди. Олий Мажлис омбудсманининг мазкур тузилмалар билан биргаликдаги фаолияти ахборот, материаллар, тегишли адабиётлар алмашинуви орқали, шунингдек раҳбар органлар сайлови ҳамда ўтказилган бошқа тадбирларда иштирок этиш йўли билан амалга оширилди. Халқаро омбудсман институти ахборотномасининг июнь сониди (IOI Newsletter June 2003, Vol. 25, N.2) «Инсон ҳуқуқлари мониторинги» («Мониторинг прав человека») китобининг нашр этилганлиги тўғрисидаги мақола эълон қилинган.

Ўзбекистон парламенти омбудсмани фаолиятига бағишлаб «European Ombudsmen Newsletter» бюллетенида чоп этилган мақолалар Олий Мажлис

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг Европа омбудсман институти билан муваффақиятли ҳамкорлигига мисол бўла олади. Ўша нашрнинг ўзида Швеция парламенти омбудсмани билан ҳамкорлик тўғрисидаги ва шведиялик экспертнинг тажриба алмашиш учун қилган сафари ҳамда «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги янги таҳрирдаги конун лойиҳасини тайёрлашдаги кўмаги ҳақидаги ахборотлар эълон қилинган.

Испания, Словакия, Озарбайжон омбудсманлари билан доимий ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисидаги таклифлар ҳозирги кунда муҳокама қилиш ва келишиб олиш босқичида турибди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг қийноқларга доир Махсус маърузачиси Тео ван Бовеннинг тавсияларини амалга ошириш ишлари Миллий режасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан НАТО ўртасидаги Шериклик ҳаракатлари индивидуал режасининг лойиҳаларига доир, шунингдек қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-кимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенцияси (1984 йил) Факультатив баённомасининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинишига доир таклифлар ва фикр-мулоҳазалар тайёрланди. «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» Парламент ҳамкорлиги кўмитасининг 2003 йил 21 май куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган тўртинчи мажлиси ишида омбудсман ҳам қатнашди. Мажлис кун тартибига бошқа масалалар билан бир қаторда демократик институтларнинг қарор топиши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши масалалари ҳам киритилган бўлиб, улар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари иштирокида кенг фикр алмашилди.

Ҳисобот даврида, май ойида ЕвропаЭйд дастурининг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнига кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида омбудсман ва унинг икки ходими парламент гуруҳи таркибида Италия ва Швецияда тажриба алмашиш ҳамда бу икки мамлакат парламентларининг, Италия минтақавий омбудсмани ва Швеция парламенти омбудсманининг фаолияти билан танишиш мақсадида сафарда бўлди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили 2003 йил октябрь ойида парламент делегацияси таркибида Жорж Маршалл номидаги Хавфсизлик масалаларини ўрганиш бўйича Европа маркази томонидан Берлин шаҳрида Марказий Осиё мамлакатларининг парламентлари вакиллари учун ташкил этилган халқаро семинарда иштирок этди. Сафар чоғида Германия Бундестагининг Ҳарбийлар ишлари бўйича вакили билан учрашув бўлиб ўтди, унда иккала мамлакатнинг шундай институтлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари бошқаруви билан ҳамкорлик жонланди. Бу инсон ҳуқуқлари масалалари юзасидан ўзаро материаллар ва адабиётлар алмашишда ҳам сезилди. Омбудсман томонидан ўтган йил март ойида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари ўринбосари Бертран Рамчаран бошчилигидаги делегациянинг қабул қилинганлиги муҳим воқеалардан бири бўлди. Қабул маросимида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилинди.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда Тошкентдаги маркази билан Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг давом этаётган ҳамкорлик ҳаракатлари омбудсман тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда кўмаклашишга, омбудсман вакиллари учун ўқув ташкил этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалаларига бағишланган тадбирларда иштирок этишга, биргаликда тадбирлар уюштириш, шу жумладан пенитенциар тизим ходимларини ўқитиш бўйича шу тарздаги тадбирларни ташкил этишга, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги адабиётлар ва материаллар алмашилиб туришга қаратилди.

2003 йил омбудсман минтақавий вакилларининг халқаро ҳамкорлиги ривожланиши билан ҳам ажралиб турди. Бундай ҳамкорлик чет элларда ўтказилган конференциялар, семинарлар, тренингларда маърузалар билан қатнашиш, шунингдек мамлакатимиз минтақаларига келган халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ва суҳбатлар ташкил этиш шаклида амалга оширилди. Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси делегацияси, ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази ва К.Аденауэр номли фонд вакиллари билан учрашувлар ўтказдилар.

Ҳисобот йилида омбудсман Котибияти ходими ва омбудсман ҳузуридаги Экспертлар кенгаши аъзоси Рауль Валленберг номидаги Гуманитар ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари институти (Швеция) томонидан ташкил этилган хотин-қизлар ҳуқуқларига доир минтақавий ўқув дастури бўйича таълим олиб қайтди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолияти ҳақида халқаро жамоатчиликни ва хорижий ҳамкасбларни хабардор қилишга катта аҳамият бера бориб, турли халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларга, омбудсманларга ва инсон ҳуқуқлари бўйича институтларга, жаҳоннинг 50 дан зиёд давлати элчихоналарига парламент омбудсманининг нашрлари, шу жумладан 2002 йилги ҳисоботи ва «Мониторинг прав человека» китоби юборилди.

Ўзаро ахборотлар алмашилиб туриш таомили доирасида Европа Кенгашининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари, Европа Иттифоқи, Дания, Франция, Швеция, Финляндия, Польша, Словения, Чехия, Россия, Руминия, Албания, Корея, Мексика, Макао (ХХР), Гонконг (ХХР), Канаданинг Онтарио вилояти омбудсманлари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича институтлари ва бошқалардан инсон ҳуқуқларига доир йиллик ҳисоботлар ва материаллар олинди.

### Хулоса

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтининг ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини янада яхшилаш мақсадида куйидагилар амалга оширилиши лозим:

- «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) ва Минтақавий вакил тўғрисидаги низом лойиҳаларини тайёрлаш;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида мониторинглар ўтказиш, шу жумладан омбудсманнинг минтақавий вакиллари томонидан мониторинг ўтказиш услубиятини такомиллаштириш;
- ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғи тузилмалари, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қаракатларини ижтимоий шериклик принципи асосида кучайтириш.

**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти фаолиятини янада такомиллаштириш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мақсадида парламент назоратини кучайтириш ҳамда унинг шаклларини янги мазмун билан бойитиш имкониятини беради.**

\* \* \*

*Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2003 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботнинг тўла матни билан Вакилнинг Котибиятида танишиш мумкин.*